

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ОЛИМАХОН ХАЛИҚЖОНОВНА

**ШИМОЛИЙ ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИНИНГ ПЕДОФАУНАСИ
ВА ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ТУПРОҚЛАР
БИОДИАГНОСТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Эргашева Олимахон Халиқжонова

Шимолий Туркистон тоғ тизмасининг педофаунаси ва эрозияга учраган тупроқлар
биодиагностикасининг аҳамияти3

Эргашева Олимахон Халиқжонова

Педофауна северных отрогов Туркестанского хребта и их роль в биодиагностике
эродированных почв21

Ergacheva Olimakhon Xaliqjonovna

Pedofauna of the northern vidge of Turkestan mountain and their role in the
biodiagnosis of the eroded soil39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ОЛИМАХОН ХАЛИҚЖОНОВНА

**ШИМОЛИЙ ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИНИНГ ПЕДОФАУНАСИ
ВА ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ТУПРОҚЛАР
БИОДИАГНОСТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B52 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Исмаиулло Уматович
биология фанлари доктори, доцент

Ҳақбердиев Обид Эшнӣёзович
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «1» 01 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси 3уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.


Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси 3уй. Тел. (99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2018 йил «26» 12 хуни тарқатилди (2018 йил «26» 12 № 15 - рақамли реестр баённомаси).




Р.К.Кўзиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор


Н.Ю.Абдурахмонов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
Илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим


М.М.Тошкўзиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича тоғли ерлар 24 фоизни ташкил қилиб, шундан Осиёнинг 64 фоизи, Шимолий Американинг 36 фоизи, Европанинг 25 фоизи, Жанубий Американинг 22 фоизига тўғри келади¹. Ҳозирги кунда тоғ тупроқларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тоғ экотизмларидан фойдаланиш билан биргаликда тупроқ қопламанинг муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда шуларни ҳисобга олган ҳолда, тоғ тупроқларидан самарали фойдаланиш, тупроқ қопламани муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ерларининг асосий қисми эрозияга учраган бўлиб, уларни ўрганиш бўйича қатор замонавий инновацион технологияларидан фойдаланилмоқда. Бу йўналишда эрозия жараёнларини аниқлаш ва таҳлил қилишда, моделлаштириш ва башоратлашда, тупроқ унумдорлигини баҳолаш ва хариталашда, эрозияланиш жараёнига оид маълумотлар базасини яратишда тупроқлар биодиагностика ва биоиндикациясига оид илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда тоғ тупроқларини ўрганиш, уларнинг унумдорлигини тиклаш ҳамда оширишга қаратилган омилларнинг таъсири, уларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларини, биологик фаоллигини ошириш, эрозияга қарши курашиш масалалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилиб, тупроқларнинг хосса-хусусиятлари билан бирга, атроф-муҳит омиллари орасида тупроқ пайдо бўлиш жараёнларини оптималлаштиришда ва унумдорлигини оширишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларини, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг тоғли ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг эрозия жараёнларининг тупроқ хосса-хусусиятларига таъсири ҳамда тоғ тупроқ қопламларини ҳосил бўлишида умуртқасиз ҳайвонларнинг роли бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги

¹http://www.techpharm.ru/nature1_soill 2017

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида арид тупроқлари шаклланиш жараёнлари Р.Қ.Қўзиёв, И.Т.Турапов, А.А.Ханазаров, Х.М.Мақсудов, Л.Т.Турсунов, Л.А.Гафурова, Н.Ю.Абдурахмонов, М.Ф.Фахрутдинова, О.Э.Хакбердиев, Г.М.Набиева, Г.Т.Джалилова, Д.А.Қодирова, Н.И.Шодиева, Г.С.Содиқова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг илмий ишларида тоғ тупроқларининг келиб чиқиши, морфогенетик, агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари, унумдорлик даражаси, микробиологик ва ферментатив фаолликлари ҳамда гумификация жараёнлари ўрганилган. Мамлақтимиз ҳудуд тупроқлари таркибида ҳаёт кечирувчи тирик организмларга оид илмий тадқиқотлар А.Л.Бродский, Н.А.Димо, Р.А.Олимжонов, А.Т.Тўлаганов, З.Н.Норбоев, О.М.Мавлонов, А.Хамраев, А.П.Позилов, Л.С.Кучкарова, Х.С.Эшова, Б.О.Давронов, А.Ю.Рахматуллаевлар томонидан амалга оширилган бўлиб, хорижлик олимлардан М.С.Гиляров, О.П.Атлавините, Б.А.Вайнштейн, В.Д.Мигунова, А.А.Гончаров, Б.А.Бызов, В.В.Тихонов, И.Фроуз ва бошқалар томонидан тирик организмларнинг турли иқлим шароитларига мослашишини, тарқалишини, тупроқдаги гумус моддасининг шаклланишида умуртқасиз ҳайвонларнинг ролига оид тадқиқотлар олиб борилган. Лекин бу тадқиқотларда тупроқ фаунаси фаоллигининг арид ҳудудлардаги эрозияга учраган тупроқларининг ўзига хос ҳудудий жиҳатлари билан алоқадорлик томонлари бўйича етарлича изланишлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режасининг ИОТ-2013-5-33 «Деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини оширишда экологик соф ресурстежамкор биотехнологияни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2013–2014 йй.) мавзусидаги инновацион ҳамда А-7-66 «Маиший қаттиқ чиқиндиларни маҳаллий ёввойи популяция ёмғир чувалчанглари вермикультивация

услугада қайта ишлаш ва деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини оширишда қўллаш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Туркистон тоғ тизмаси минтақаси шароитида эрозияга учраган тупроқларининг педофауна миқдори, мавсумий динамикаси ва тупроқ хосса-хусусиятларини комплекс равишда аниқлаш ҳамда педофаунага кўра эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистон тоғ тизмаси тоғ ва тоғ олди худуди тупроқларнинг морфогенетик, агрокимёвий, кимёвий ва агрофизик хоссаларини аниқлаш;

тоғ ва тоғ олди худуди тупроқларига эрозия таъсирини ўрганиш;

вертикал минтақаланиш шароитида тарқалган эрозияга учраган тупроқлар фаунаси (ёмғир чувалчанги, моллюска, коллембола, нематода ва каналар)ни аниқлаш;

тупроқлар асосий хоссалари ва педофауналар ўртасидаги коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоғ тизмасида тарқалган эрозияланган типик бўз, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тоғ ва тоғ олди тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари, агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, педофаунаси, эрозияга учраган тупроқларнинг индикаторлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотлар тупроқ намуналарини таянч нуқталардан генетик қатламлар бўйича олиш, кузатувлар ва таҳлиллар ЎзПИТИнинг «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв», тупроқ-зоологик таҳлиллари М.С.Гиляровнинг «Методы почвенно-зоологических исследований» ҳамда тадқиқотлар натижаларининг математик статистик таҳлили Б.А.Доспехов бўйича «Microsoft Excel» дастури ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Туркистон тоғ тизмасидаги эрозияга учраган тупроқ типлари кесими бўйича умуртқасиз ҳайвонларнинг миқдорий ва сифат таркиби ҳамда тақсимланиши аниқланган;

тоғ ва тоғ олди эрозияга учраган тупроқлари (типик бўз, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар)нинг вертикал минтақаланиш шароитида морфогенетик тузилиши, агрофизик ва агрокимёвий тавсифлари ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

турли иқлим шароитида шаклланган тупроқлар фауна (ёмғир чувалчанг, моллюскалар, нематода, кана, коллембола)лари билан тупроқ хоссалари ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар аниқланган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тоғ ва тоғ олди ҳудудлари эрозияга учраган тупроқларнинг гумуси, агрокимёвий ва агрофизикавий ҳолатига, тупроқ ҳосил бўлиши ва тупроқнинг эрозияга учрашига турли хилдаги омилларнинг таъсири исботланган;

Туркистон тоғ тизмаси эрозияга учраган вертикал минтақалар тупроқлари кесими бўйича умуртқасиз ҳайвонларнинг миқдорий ва сифат таркиби ҳамда тақсимланиши аниқланган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган кўп йиллик дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, доимий равишда ташкил этилган университет комиссияси ва раҳбарияти томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни математик-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларнинг бажаришга мос келиши, уларни ўзаро бир-бирини тўлдирувчанлигидан фойдаланилганлиги, адабиётлар таҳлилида келтирилган маълумотлар ва иқтибосларнинг ҳаққонийлиги ҳамда республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрозияга учраган вертикал минтақа тоғ ва тоғ олди тупроқлари кесими бўйича умуртқасиз ҳайвонларнинг миқдорий ва сифат таркиби, тақсимланиши ва уларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги ўрни ёритиб берилганлиги, унумдорлиги шаклланишида педофаунанинг ўрни муҳимлиги ишлаб чиқилганлиги илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Туркистон тоғ тизмаси вертикал минтақаланиш шароитида эрозияга учраган тупроқларни хосса-хусусиятларини комплекс равишда аниқлаш ҳамда тупроқларининг педофаунасига кўра эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонларини ишлаб чиқиш, тупроқларининг унумдорлигини белгиловчи кўрсаткичлар сифатида баҳолашда, хариталашда ва эрозияга қарши кураш тадбирларни режалаштиришда ҳамда экологик соф, ресурстежамкор агробиотехнологиялар ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Туркистон тоғ тизмасининг педофаунаси ва эрозияга учраган тупроқлар

биодиагностикасининг аҳамияти бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

вертикал минтақаланиш шароитида тарқалган тупроқларнинг педофаунасини инобатга олган ҳолда уларнинг морфогенетик хусусиятларини акс эттирган мезонлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 21 майдаги 04-05-4002-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мезонлар тоғ тупроқларини тип ва типчаларга ажратиш, шунингдек, тупроқларни эрозияга учраганлик бўйича диагностик белгиларини аниқлаш имконини берган;

тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра, эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 21 майдаги 04-05-4002-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мезонлар педофаунанинг тупроқ унумдорлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида баҳолашда, хариталашда ва эрозияга қарши кураш тадбирларини режалаштириш имконини берган;

Туркистон тоғ тизмаси тупроқларининг экологик-генетик тавсифи ва вертикал минтақаланиш шароитида тарқалган педофауна миқдори ва тақсимланиши бўйича индикатор мезонлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 21 майдаги 04-05-4002-сон маълумотномаси). Натижада тупроқларнинг агрохимё, агрофизик ва биологик хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳудудда кишлок хўжалик экинларини жойлаштириш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва тупроқ экологик мониторингини юритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили ЎЗМУ махсус комиссияси синовидан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот материаллари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган, шундан 1 та тавсиянома, ЎзР ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тоғ ва тоғ олди эрозияга учраган тупроқлари ва улар педофаунасига эрозиянинг таъсири**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва чет эл олимларининг дунёнинг турли минтақаларига хос ишлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тупроқ қатламида ҳаёт кечирувчи тирик организмларнинг яшаш муҳити билан ўзаро алоқадорлик тавсифлари ва шунингдек, ривожланиш хусусиятлари, тупроқлар маълум хоссаларига боғлиқ ҳолда педофаунанинг фаоллиги юзасидан адабиёт маълумотлари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг хулоса қисмида тоғ ва тоғ олди тупроқлари хосса-хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда педофауна миқдори, тақсимланиш қонуниятлари ва уларни эрозия жараёнлари диагностикасидаги роли мукамал ўрганилмаганлиги сабабли ушбу муаммони ўрганиш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудуди, тупроқлар пайдо қилувчи табиий шароитлари, объекти ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишларини бажариш давомида Туркистон тоғ тизмаси тоғ олди ва паст тоғ тупроқлари шаклланиш табиий омиллари, тупроқ тип ва типчаларини ҳамда эрозияга учраганлигини ҳисобга олган ҳолда 25 та таянч тупроқ кесмалари қўйилган. Белгиланган вазифалар эрозияга учраган тоғ ва тоғ олди тупроқлар қопламини солиштирма-географик, солиштирма-аналитик ва экспедицион тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланиш асосида ўз ечимини топган. Тадқиқот ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Миллий университети, Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ, ЎзФА Зоология институти фонд материаллари ва илмий адабиёт маълумотларидан фойдаланилган ва умумлаштирилган. Тадқиқотлар давомида таянч кесмаларида уларнинг морфологик, агрохимёвий, умумий физик хоссалари ва улар билан боғлиқликда зоологик фаоллик генетик қатламлар бўйича аниқланган.

Тупроқ тавсифларини ўрганиш ишлари Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ аналитик марказида ва Зоология институтида қабул қилинган услублар асосида амалга оширилган. Тадқиқотлар натижаларининг математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Тупроқларнинг морфогенетик, агрофизик ва агрохимё хоссалари ва уларга эрозия жараёнларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ишларни бажариш давомида ҳудуднинг геоморфологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароитлари, ўсимлик қоплами

ва унинг тупроқни химоя қилишдаги роли, эрозияга учраган тоғ тупроқларининг морфологик хусусиятлари, агрохимё ва агрофизик хоссалари ёритиб берилган.

Лалми ер майдонларида тарқалган турли даражада эрозияга учраган типик бўз тупроқларнинг морфологик тавсифлари кўрсатишича, сезиларли даражада дифференциацияланган, карбонатли янги ҳосилалар яққол ифодаланган. Бунда гумусли горизонтнинг ($A+B_1+B_2$) қалинлиги ўртача 50–55 см га етади, бу қатламнинг ранги сур тусли-бўз бўлиб, механик таркиби ўрта қумоқли, карбонатли қатлами яхши ифодаланган. Ювилиб тўпланган тупроқларда гумусли қатлам бирмунча қалин бўлиб 65–70 см ни, ўртача ювилган тупроқларда эса 30–35 см ни ташкил этади. CO_2 карбонатлар ювилмаган тупроқларда 30–35 см, ўртача ювилган тупроқларда 15–18 см ва ювилиб тўпланган тупроқларда 65–70 см ни ташкил қилади.

Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар морфологик белгилари типик бўз тупроқлардан ранги, гумус қатлами қалинлиги, донадорлиги, CO_2 карбонатли қатлам чуқурлиги ва механик таркиби билан фарқланади. Ювилмаган тўқ тусли бўз тупроқларда гумусли қатламнинг ($A+B_1+B_2$) қалинлиги 65–82 см ни ташкил қилади, ўртача ювилган тупроқларда 39–45 см ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 100–110 см ни ташкил қилади. Ювилмаган тупроқларда CO_2 карбонатлар тарқалиши чегараси 62–76 см чуқурликда жойлашади, ўртача даражада ювилишга учраган тупроқлар қатламида эса CO_2 карбонатлар 38–40 см ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 110–120 см чуқурликда қайд қилинган. Бу тупроқлар қатламлар қалинлиги эрозия жараёнлари натижасида кескин қисқарганлиги ва юқорига кўтарилиш билан, карбонатли ва гипсли янги ҳосилалар кузатилиши билан тавсифланади.

Ювилган типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар қатламида юқори горизонтлар таркибининг гумус миқдори камайганлиги ҳамда карбонатларга бойлиги билан тавсифланади, шунингдек, амалга оширилган кузатиш ишлари натижалари кўрсатишича, ювилишга учраган бўз тупроқлар қатламида фарқланишлар даражаси ҳар доим ювилишга учрамаган ва айниқса ювилиб тўпланган тупроқлар қатлами билан солиштирилганда, очроқ тусда ифодаланиши қайд қилинади.

Ўрганилган ҳудудда лалми тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлари учрайди ва улар морфологик белгилари ва барча хоссалари билан тўқ тусли бўз тупроқлардан фарқланади. Карбонатли жигарранг тупроқлар гумусли қатлами тўқ тусли бўз тупроқларга нисбатан бир оз қалинлиги (ювилмаган тупроқларда 68–75 см), CO_2 карбонатли қатлам яққол ифодаланганлиги, агрегатлиги ва ғоваклиги билан ажралиб туради.

Тоғ жигарранг типик тупроқлар тўқ тусли жигарранглиги билан, гумусли қатлам аниқ ифодаланиши билан (ювилмаган тупроқларда 75–80 см, ювилган тупроқларда 50–55 см, ювилиб тўпланган тупроқларда 85–90 см), CO_2 карбонатли қатлам ювилган тупроқлардан ювилмаган тупроқларга, айниқса, ювилиб тўпланган тупроқлар томон чуқурлашганлиги билан ҳамда

тувроқ фаунаси фаолияти аниқ кузатилганлиги билан характерланади. Тупроқ механик таркиби оғир қумоқлиги ва тупроқ кесмасининг ўрта қисми лойланиши ва зичланиши кузатилади.

Тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар тарқалган минтақада иқлим нисбатан намлиги билан фарқланади. Йилнинг қуруқ мавсуми давомийлиги қисқаради, намлик даражаси юқори бўлган мавсум нисбатан узоқ давом этади, бундан ташқари бу ҳудудда йиллик ўртача ҳаво ҳарорати ҳам пастроқ бўлиши қайд қилинади. Йилнинг намлик даражаси юқори бўлган даври давомида тупроқ қатламининг таркиби сезиларли даражада чуқур қатламларгача намликка тўйинади ва ер юзасидан пастга томон сув оқимларига эгаллиги билан тавсифланади.

Тадқиқотлар ҳудуднинг сувайиргич қисмларида тупроқлар ювилишга учрамаганлигини ва гумусли горизонт ($A+B_1+B_2$) қалинлиги 82 смга тенглигини, карбонатли максимум 47–82 см чуқурликдан бошланишини кўрсатган. Ёнбағирларнинг ўрта қисмларида жойлашган тупроқларда гумусли горизонтнинг қалинлиги 42–66 смга етиши, карбонатли янги ҳосилалар 22–35 см чуқурлик қатлампидан бошланиши, тупроқларининг жадал тарздаги ювилиши ва карбонатли горизонт ер юзасига яқинлашиши аниқланган.

Ўрганилган тоғ олди ва паст тоғ тупроқлари (типик бўз тупроқ, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган)нинг морфологик кўрсаткичлари эрозияланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Барча тупроқ тип ва типчаларида қиялик тупроқларида сув айиргич тупроқларига нисбатан гумусли қатлам қалинлигининг камлиги, CO_2 карбонатлар тўпланиш чегарасининг юқори горизонтларга яқинлашиши, зичланиши, юқори қатлам тупроқлари механик таркиби енгиллашиши ва тупроқ фаунаси фаоллиги пасайиши кузатилади. Эрозия таъсирида ювилиб тўпланган тупроқлар ранги нисбатан тўқлиги, гумусли қатлами қалинлиги юқорироқлиги, пастки горизонтларга гумус миқдори аста секинлик билан камайиши, CO_2 карбонатли қатлам чуқурроқ жойлашганлиги билан ювилмаган ва айниқса ювилган тупроқлардан фарқланиши аниқланган.

Ўрганилган ҳудудда вертикал минтақаланиш бўйича тарқалган тупроқларни механик таркиби лалми типик бўз тупроқлардан, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик ва тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар томон оғирлашиб боради, улар таркибида майда чанг ва лойқа заррачалари ортиб боради (физикавий лой миқдори 35,4–42,9 фоиздан 45,2–53,2 фоизгача). Тупроқларнинг таркибида чанг фракциялари кўплиги кузатилган, айниқса, йирик чанг (50,0–63,4 фоизгача), типик бўз тупроқлардан тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлар сайин унинг миқдори бир оз камайиб бориши кузатилган (46,7–53,4 фоизгача). Тупроқ кесмасининг ўрта қатламларида бўз тупроқлардан жигарранг тупроқлар томон лойқаланиш жараёни (оглинивание) кучайиб бориши аниқланиб, майда чанг ва лойқа фракциялари В қатламда кўпайиб бориши кузатилган.


Эрозия жараёнлари барча тупроқларнинг механик таркибига таъсир қилиши аниқланган: ювилган тупроқлар юқори горизонтлари ювилмаганларига нисбатан енгиллашгани (майда чанг ва лойқа фракциялар ҳисобига), физикавий лой миқдори камайгани кузатилган. Ювилиб тўпланган тупроқларда механик таркиб оғирлашганлиги аниқланган. Қиялик эрозияланган тупроқларидан эрозияланмаган тупроқлари, айниқса ювилиб тўпланган тупроқлари томон ил фракциялари ва физикавий лой миқдори ортиб бориши кузатилган.

Келтирилган ушбу ҳолатларга боғлиқ равишда, ёнбағирлар элементларини ҳисобга олган ҳолда эрозияга учраган тоғ тупроқларининг агрофизик хоссалари ўрганилган. Тупроқлар умумий физик хоссалари вертикал минтақаланиш бўйича ўзгариб борганлиги аниқланган. Солиштирма оғирлик қиймати $2,56-2,72 \text{ г/см}^3$ ораликда эканлиги аниқланган. Эрозияга учраган типик ва тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, типик ва тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда солиштирма оғирлик кўрсаткичи вертикал зоналик бўйича тип ва типчалар ўзгариши билан ҳамда эрозиянинг таъсирида ортиб бориши қайд қилинган.

Тупроқларнинг ҳажм оғирлиги қиймати $1,21-1,42 \text{ г/см}^3$ оралиғида бўлиб, пастки горизонтлар томон ортиб боради ($1,50-1,58 \text{ г/см}^3$). Эрозияга учраган тупроқлар эрозияланмаган тупроқларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлади. Лалми типик бўз тупроқлардан тўқ тусли бўз тупроқлар, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар томон, солиштирма ва ҳажм оғирлиги ўзгаришига мос равишда тупроқ ғоваклиги $45,1-53,5$ фоизгача бўлиши қайд этилган.


Вертикал зоналик бўйича тарқалган тупроқларнинг агрохимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш натижасида тоғ олди ва паст тоғ лалми тупроқларнинг таркибида типик бўз, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар томон гумус ва озуқа элементлари, жумладан, умумий азот, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори кўпайиб бориши ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари фаол кетиши қайд қилинган.

Амалга оширилган тадқиқотларда олинган натижалар ва шунингдек, мавжуд адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида, эрозияга учраган тупроқлар таркибида умумий азот, фосфор ва калийнинг миқдори тупроқларнинг эрозияга учраш даражасига боғлиқлиги қайд қилинади. Барча ўрганилган тупроқлар таркибида гумус ва азот элементининг максимал миқдорда бўлиши ҳайдалма ва юқори горизонтлар таркибида кузатилади ва ўсимликлар учун асосий озуқа элементларидан бири – азотнинг миқдори динамикаси тупроқ таркибидаги гумус миқдorigа бевосита боғлиқлиги аниқланган (1-расм).



1-расм Эрозияга учраган тоғ ва тоғ олди тупроқларининг агрохимёвий кўрсаткичлари

Ушбу кўринишдаги қонуният тупроқ таркибида фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари бўйича ҳам характерли. Айрим тупроқлар таркибида умумий калий миқдори пастки горизонтлар қатламида юқори бўлиши қайд этилган, шунингдек, бу ҳудудда тупроқлар турли хил даражада ювилишга учраганлиги кузатилган. Ювилиб тўпланган тупроқларда гумус профили ювилмаган тупроқлар айниқса, ювилган тупроқларга нисбатан фарқланади ва гумус миқдори тупроқнинг пастки қатламлари томон аста секинлик билан камайиб боради.



2-расм Эрозияга учраган тоғ олди ва тоғ тупроқларининг CO₂ карбонат миқдори

Ўрганилган ҳудуд типик бўз тупроқларидан тоғ жигарранг типик тупроқларгача карбонатлар миқдори 6,3–9,2 фоизни, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда 4,2–5,1 фоизни ташкил қилади. Эрозияга учраган тупроқларда карбонатлар миқдори юқори горизонтлардан бошлаб

катта кўрсаткичларга, ювилиб тўпланган тупроқларда аксинча паст кўрсаткичларга эга бўлади (2-расм).

Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг морфогенетик, агрокимё ва агрофизик хоссалари ҳамда эрозия жараёнларига боғлиқ ҳолда тупроқ фаунаси тарқалиш қонуниятлари белгиланади. Диссертациянинг «**Тоғ ва тоғ олди тупроқлари педофаунаси микдори, тақсимланиш қонуниятлари ва уларга эрозия жараёнларининг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида типик бўз, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда умуртқасиз ҳайвонлар (ёмғир чувалчанги, нематода, моллюска, коллембола ва каналар) тупроқлар кесими бўйича микдорий ва сифат таркиби ҳамда тақсимланиши, тупроқлар хосса-хусусиятлари ва тупроқлар фаунаси боғлиқликлари аниқланган, уларга эрозия таъсири ўрганилган.

Олинган натижаларнинг таҳлили кўрсатишича, тадқиқот олиб борилган ҳудуд тупроқлари таркибида ёмғир чувалчангларининг 4 та тури (*Aporrectodea caliginosa trapezoides*, *A.rosea*, *Aporrectodea caliginosa*, *Allolobophora kaznakovi*), нематодаларнинг 33 та тури (*Cephalobus monus*, *C.corris*, *Chiloplacus bibiguetae*, *Mesodorylaimus bastiani*, *Eudorylaimus monhystera*, *E.obtusicaudatus*, *Acrobeloides buetschii*, *A.emarginatus*, *Acrobeles innoxius*, *A.ciliatus*, *Ektophelenchus tenidens*, *Eudoraylaimus elegans*, *Tylenchus davainei*, *Plectus parietinus*, *Ironus ignavis*, *Drepanodorus laetificanus*, *Cephalobus persegnis*, *Eucephalobus laevis*, *Aphelenchoides xylophilus*, *Aphelenchus avenae*, *Aphelenchoides limberi*, *Aphelenchoides parietinus*, *Bitylenchus dubius*, *Ditylenchus dipsaci*, *Ditylenchus tulaganovi*, *Helicotylenchus multicinctus*, *Rotylenchus robustus*, *Pratylenchus pratensis*, *Fylenchus filiformis*, *Prizmatolaimis dolichurus*, *Mylonchylus solus*, *Eudorylaimus obtusicaudatus*, *Eudorylaimus parvis*), моллюскаларнинг 7 та тури (*Oxyloma elegans*, *Pseudonopaeus sogdianus*, *Deroceras leave*, *Candaharia levanderi*, *C.issatullaevi*, *Leucozonella crassicosta*, *Xeropicta candaharica*), коллемболаларнинг 20 тури (*Jsotomiella minor Schaff*, *Proisotoma minuta Tullb*, *Onychiurus procompatus Gis*, *Folsomia quadrioculata Tullb*, *Ceratophusella armata Nic*, *Onychiurus fimatus Gisin*, *O. armatus Tullb*, *Jsotoma saltans Nic*, *Jsotoma hiemalis Schott*, *Jsotoma veridis Bourl*, *Hypogastrura assimilis*, *Neanura muscorum*, *Orchesella flavescens*, *O. cincta*, *Tomocerus vulgaris*, *Pogonognathus plumbens*, *Sminthurus fuscus*, *S.viridis*, *Tomocerus longicornis*, *Tetroden tophora bielensis*), каналарнинг 21 та тури (*Epilohmannia szanisloe Oudms*, *Thamnacarus pavlovski B.*, *Sphaerochthonius splendidus Berl*, *Damaeolus laciniatus Berl*, *Passalozetes perforatus Berl*, *P. variatepictus Mihelcic Berl*, *Licnoliodes andrei Grandj*, *Oppia nova Oudms*, *O.elliptica Berl*, *O. subpectinata Oudms*, *O. minus Paoli*, *Oribatufa venusta Berl*, *Zygoribatula skrjabini B – Z*, *Simkinia turanica Kriv*, *S. schachtachtinskoi kulijan*, *Scheloribates fimbriatus Thor*, *Microzetes arenarius Kriv*, *Protoribates capucinus Berl*, *Allogalumrna thysanura Crivol*, *Prothoplophova palpalis Berl*, *Oribotritia loricata Rathke*) тарқалганлиги аниқланган.

Тупроқ фаунасининг шаклланиши ва ривожланиши тупроқлар типи ва типчалари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари эрозия жараёнлари, иқлим шароитлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўрганилган ҳудуд тупроқлари жонзотларининг миқдори, тур таркиби ва тарқалиши, уларнинг мажмуавий хосса-хусусиятларига боғлиқдир. Юқори гумусга бой горизонтлар кўп сондаги тупроқ ҳайвонлари учун қулай экологик яшаш муҳити сифатида ўрин тутди. Тупроқ ҳайвонлари ҳаётида органик моддалар, жумладан, гумус, муҳим роль ўйнайди. Тупроқ фаунасининг сон миқдори бўйича тақсимланиши ва фаоллиги гумус профили бўйича коррелятив боғлиқликда ўзгаради ва унда педофауна тарқалиши биологик омилнинг тупроқ пайдо бўлиш жараёнларидаги муҳимлигини тасдиқлайди: ўртача ювилган тупроқларда гумус миқдорининг пасайиши ва унга мутаносиб ҳолда тупроқ умуртқасиз жонзотларининг миқдори кескин камайиши; ювилмаган, айниқса, ювилиб тўпланган тупроқларда гумус миқдорининг кесма бўйича аста-секинлик билан пасайиши ва унга мутаносиб ҳолда тупроқ умуртқасиз жонзотларининг миқдори камайиши кузатилган. Каналар миқдори коллембола, моллюска ва ёмғир чувалчангларига нисбатан, ўртача ювилган тупроқларда кескин камайиши кузатилмаган. Коллемболалар ва моллюскалар миқдори ювилиб тўпланган тупроқларда кўплиги аниқланган.

1-жадвал

Туркистон тоғ тизмаси шароитида тарқалган тупроқларига кўра педофауна миқдори (дона/м²)


Педофауна турлари	Типик бўз тупроқ	Тўқ тусли бўз тупроқ	Тоғ жигарранг карбонатли	Тоғ жигарранг типик	Тоғ жигарранг кам ишқорсизланган
Ёмғир чувалчанги, дона/м ²	>2	3-10	3-12	4-13	5-16
Моллюска, дона/м ²	2-4	4-6	6-7	7-8	7-9
Коллембола, дона/м ²	10-15	16-21	16-26	25-28	30-38
Нематода, дона/м ²	40-50	46-56	55-111	58-90	60-120
Кана, дона/м ²	35-38	32-36	29-30	28-30	20-30

Эрозия жараёнида тупроқ мезо- ва микрофаунаси гумус, озуқа элементлар, лойқа заррачалар, ўсимликлар қолдиқлари билан биргаликда ювилиб кетади.

Тупроқлар фаунаси миқдори типик бўз-тўқ тусли бўз-тоғ жигарранг карбонатли-тоғ жигарранг типик-тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тизимда кўпайиб боради (1-жадвал). Ёмғир чувалчанглар, моллюскалар ва коллемболалар бўз тупроқлардан тоғ жигарранг тупроқлар томон, каналар ва нематодаларга нисбатан миқдори кўпайиб боради. Тупроқлар профили бўйича педофауна миқдори асосий қисми 0–10 см чуқурликда учрайди: типик бўз ва тўқ тусли бўз тупроқлар 0–10 см қатламда 40,7–60,4%, тоғ жигарранг карбонатли, типик ва тоғжигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда 78,7–82,3%. Тупроқларнинг 10–20 см (13,5–30,5%), айниқса, 20–30 см (0,6–5,5%) ва пастки қатламларига қараб умуртқасиз жонзотлар

миқдори камайиб бориши, айниқса, ўртача даражада эрозияга учраган тупроқларда аниқланган. Барча тупроқлар таркибида умуртқасиз жонзотлар, каналардан ташқари, баҳор (апрель-май), нисбатан кам ёз (июль-август) ва куз фаслларида қайд қилинган. Баҳор ойида педофауна асосан 0–10 см, ёз ва куз фаслларида асосан 10–20 см чуқурликда учраган.

Эрозияга учраган тупроқлар профилида педофауна кескин камаяди, айниқса, каналар ва нематодаларга нисбатан, ёмғир чувалчанглар ва коллемболалар. Ювилиб тўпланган ва ювилмаган тупроқларда умуртқасиз ҳайвонлар гумус, азот, фосфор, калий, физикавий лой миқдори ва тупроқ зичлиги билан коррелятив боғлиқлиги кузатишган: гумус ҳамда озика элементлар ва нематодалар $r=0,63-0,75$, каналар $r=0,62-0,70$, моллюскалар $r=0,68-0,76$, коллемболалар $r=0,81-0,90$, ёмғир чувалчанглар $r=0,86-0,93$. Коррелятив боғлиқликлардан тупроқ унумдорлиги ва эрозияга учраш даражасини аниқлашда фойдаланилади.



3-расм. Тупроқ фаунасининг тоғ олди ва тоғ тупроқларда тақсимланиши

Тупроқ фаунаси фаоллиги бўйича эрозияга учраган тупроқларни куйидаги камайиб борувчи кетма-кетлик қаторида жойлаштириш мумкин: ювилиб тўпланган-эрозияланмаган-ўртача эрозияланган (3-расм). Туркистон тоғ тизмасининг педофаунаси ва эрозияга учраган тупроқлари юзасида олиб борилган тадқиқотлар асосида тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра, эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари ишлаб чиқилди (2-жадвал) ва улар асосида тупроқлар диагностикаси, тупроқларни тип ва типчаларини аниқлаш, тупроқ-экологик мониторинг ўтказиш учун тавсия этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тоғ ва тоғ олди ҳудудлар тупроқлари ўсимлик қопламанинг сийраклиги, қияликларда гумус миқдорининг камлиги деградация жараёнлари кучайиши кузатилади, бу ҳолат тупроқларининг эрозияга учрашига ва уларнинг морфологик, физик, кимёвий ва биологик хоссаларида ўз ифодасини топган. Тупроқ учун эрозия даражасига кўра, унумдорлик элементлари ювилиб тўпланган-ювилмаган-ўртача ювилган тупроқлар қаторида салбийлашиб бориши кузатилади.

2. Эрозияга учраган тупроқлар гумус ва фосфор бўйича ўрта ва кам, калий миқдори бўйича кам таъминланган. Тупроқлар юқори карбонатлашган (ишқорсизланган тупроқлардан ташқари), ўрта ва оғир кумоқ механик таркибига эга, йирик чанг ва майда кум фракциялари кўплиги билан тавсифланади. Эрозияга учраган лалми тупроқларининг, ювилиб тўпланган ва ювилмаган тупроқларга нисбатан, умумий физик хоссаларидан – зичлиги юқорилиги, ғоваклик даражаси пастлиги билан ифодаланди. Типик бўз тупроқлардан тоғ-жигарранг тупроқлар томон, майда чанг ва лойқа фракциялари кўпайиб, гумус ва озика элементлари миқдори ортиб боради.

3. Тоғ ва тоғ олди тупроқлари (типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар)нинг агрокимёвий, физик-кимёвий ва агрофизик кўрсаткичлари турли хиллиги тоғ-арид тупроқ ҳосил бўлишининг ўзига хос шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, деградация жараёнларининг яққол ифодаланиш даражасига эгаллиги, экстремал режимлар тупроқларнинг биологик, шу жумладан тупроқ фаунаси ривожланиш шароитларида ўз ифодасини топган ва уларга тупроқларнинг вертикал минтақаланиши таъсир этган типик бўз тупроқлардан жигарранг тупроқларга томон жонзотлар миқдори ошиб бориши кузатилади.

4. Ҳудуд тупроқлари педофауна тур таркиби билан фарқланади, барча тупроқларда нематода ва коллембола ҳамда каналар тупроқнинг юқори қатламларида доминантлиги кузатилади. Тупроқлар таркибида ёмғир чувалчангларнинг 4 та тури, нематодаларнинг 33 та тури, моллюскаларнинг 7 та тури, коллемолаларнинг 20 та тури, каналарнинг 21 та тури тарқалганлиги билан тавсифланади. Педофауна фаоллиги бўйича эрозияга

учраган тупроқларни қуйидаги камайиб борувчи: ювилиб тўпланган - ювилмаган - ўртача ювилган кетма-кетлик қаторида жойлаштирилади.

5. Тупроқлар фаунаси миқдори типик бўз-тўқ тусли бўз-тоғ жирарранг карбонатли-тоғ жигарранг типик-тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тизимда кўпайиб боради. Бўз тупроқлардан тоғ жигарранг тупроқлар томон ёмғир чувалчанглар, моллюскалар ва коллемболалар миқдори, каналар ва нематодаларга нисбатан кўпайиб боради. Тупроқлар профили бўйича педофауна миқдори асосий қисми 0–10 см чуқурликда учраб: типик бўз ва тўқ тусли бўз тупроқлар 0–10 см қатламида 40,7–60,4%, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик ва тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда 78,7–82,3 %ни ташкил этади. Тупроқларнинг 10–20 см 13,5–30,5% ва 20–30 см (0,6–5,5%) ва пастки қатламларга қараб умуртқасиз жонзотлар миқдори камайиб бориши аниқланди, айниқса, ўртача даражада эрозияга учраган тупроқларда, ювилиб тўпланган тупроқларда чуқурроқ қатламларда ҳам қайд этилиши ифодаланади.

6. Барча тупроқлар таркибида умуртқасиз жонзотлар, каналардан ташқари энг кўп баҳор (апрель-май), нисбатан кам ёз (июль-август) ва куз фаслларида қайд қилинган бўлиб, баҳор ойида педофауна асосан 0–10 см, ёз ва куз фаслларида асосан 10–20 см чуқурликларда учраши кузатилади. Худуд тупроқлари таркибидаги умуртқасиз жонзотлар миқдори ва тарқалиши тупроқ типи ва типчаларига, эрозия жараёнларига, гумус миқдори ва унинг тупроқ профили бўйича тарқалишига, озуқа элементлар миқдори ҳамда физикавий лой ва зичлик қийматига боғлиқлиги билан изоҳланади.

7. Тупроқ кесмаси бўйича гумус профили ва педофауна тарқалиши биологик омилнинг тупроқ пайдо бўлиш жараёнларидаги муҳимлигини тасдиқлади: ўртача ювилган тупроқларда гумус миқдорининг кескин пасайиши ва унга мутаносиб ҳолда тупроқ умуртқасиз жонзотларининг миқдори сезиларли камайиши; ювилмаган, тупроқларда гумус миқдорининг аста-секилик билан камайиш ва унга мутаносиб ҳолда тупроқ умуртқасиз жонзотларининг миқдори (ёмғир чувалчанглар, моллюскалар, коллемболалар) камайиши кузатилади. Ўртача ювилган тупроқларда каналар миқдори кескин камайиши кузатилмади. Коллемболалар миқдори ювилиб тўпланган тупроқларда кўплиги билан ифодаланади.

8. Эрозияга учраган тупроқларда тупроқ профилида педофауна кескин камайгани аниқланди, айниқса, ёмғир чувалчанглар, моллюскалар ва коллемболалар. Ювилиб тўпланган ва ювилмаган тупроқларда тупроқ умуртқасиз ҳайвонлари гумус, азот, фосфор, калий, физикавий лой миқдори ва тупроқ зичлиги билан коррелятив боғлиқлиги кузатилди (гумус ҳамда озика элементлар ва нематодалар $r=0,63-0,75$, каналар $r=0,62-0,70$, моллюскалар $r=0,68-0,76$, коллемболалар $r=0,81-0,90$, ёмғир чувалчанглар $r=0,86-0,93$). Коррелятив боғлиқликлардан тупроқ унумдорлиги ва эрозияга учраш даражасини аниқлашда ва бошқаришда тест сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

9. Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг педофаунасига кўра, эрозияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари ишлаб чиқилди ва улар тупроқлар диагностикасида, тупроқларни тип ва типчаларини аниқлашда, тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва тупроқ-экологик мониторинг қилишда тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.Qx/V.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЭРГАШЕВА ОЛИМАХОН ХАЛИКЖОНОВНА

**ПЕДОФАУНА СЕВЕРНЫХ ОТРОГОВ ТУРКЕСТАНСКОГО
ХРЕБТА И ИХ РОЛЬ В БИОДИАГНОСТИКЕ ЭРОДИРОВАННЫХ
ПОЧВ**

03.00.13 – Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/В52

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета www.soil.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Гафурова Лазизахон Акрамовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Уразбаев Исмагулла Уматович**
доктор биологических наук, доцент

Хақбердиев Обид Эшнӣзович
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита состоится « ____ » _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский туман, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский туман, ул. Камарнисо,3. Тел. (99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан “ ____ ” _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № ____ от ____ ____ 2018 г.)

Р.К.Кузиев,
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов,
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев,
Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире горные массивы занимают 24 процента суши. Горные массивы занимают 64 процента Азии, 36 процентов Северной Америки, 25 процентов Европы, 22 процента территории Южной Америки, 17 процентов Австралии и 3 процента Африки. В мире 10 процентов людей проживают в горах. Вместе с использованием в выращивании сельскохозяйственной продукции и в горных экосистемах, уделяется особое внимание охране почвенного покрова горных почв. Эффективное использование, охрана почвенного покрова горных почв являются одной из важнейших задач³.

На сегодняшний день в мире основная часть горных и предгорных почв подвержены эрозии и ведутся ряд научных изысканий с использованием современных инновационных технологий. В этом направлении проводятся научные исследования при определении и анализе, картографировании и оценке, моделировании и прогнозе, создании базы данных по эрозионным почвам с использованием современных передовых методов, в частности биологических методов диагностики и индикации уровня плодородия почв, подверженности их деградационным процессам.

На сегодняшний день в республике ведутся исследования в области изучения горных почв, по вопросам влияния факторов, направленных на восстановление и повышение их плодородия, улучшения их агрохимических, агрофизических свойств, биологической активности, борьбы с эрозией. Но вместе с изучением свойств почв, недостаточно изучена роль педофауны в почвообразовательных процессах, формировании плодородия, а также в изменении экологических условий среди факторов окружающей среды. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы⁴ «...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий» определено одним из важных стратегических задач. В этом плане проведение научных изысканий по изучению влияния эрозионных процессов почв горных массивов Республики Узбекистан на почвенные свойства, роли беспозвоночных при формировании почвенного покрова горных регионов приобретают важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистана УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и №УП-5065 от 31 мая 2017

³ techpharm.ru/nature1_soil1-2017

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

года «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения государственных кадастров», и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года №841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

